ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ “ҲОЛАТ” АРХИСЕМАЛИ ФРАЗЕМАЛАР ТАҲЛИЛИ

Ш.А.ҒАНИЕВА

В статье рассматриваются вопросы семантической классификации фразеологизмов с архисемой «состояние» в узбекском языке и проводится их компонентный анализ.

In the article the problems of semantic classification of phraseologies with archaisms of “condition” in the Uzbek language are discussed and their componential analyses are investigated.

Фразеологизмларни ўрганиш масаласини биринчилардан бўлиб ўртага ташлаган рус тилшуноси В.В.Виноградовнинг тадқиқотлари фразеологизмларнинг маъноси ва унинг қисмлари маъноси ўртасидаги боғлиқликларга бағишланган эди. Шу жиҳатдан у фразеологизмларни уч гуруҳга ажратади: 1) фразеологик қўшилма; 2) фразеологик бутунлик; 3) фразеологик чатишма.

Бу талқин ўзбек тилшунослигига узоқ вақт ўз таъсирини ўтказиб келди, кейинчалик фразеологик бирликлар талқинида янги қарашлар юзага келди. Қатор тилшунос олимлар, жумладан, Ш.Раҳматуллаев, Б.Йўлдошев, А.Маматов кабилар ўзбек тилидаги фразеологизмларга хос шаклланиш белгилари, маълум услубий жиҳатлари, уларнинг изоҳлари билан боғлиқ масалаларда ўз қарашларини билдирганлар [1].

Кейинги йилларда тилшуносликда тил бирликларини таҳлил этишнинг янгича усуллари пайдо бўлмоқда. Бундай усуллар орқали ҳар қандай тил бирлигининг тавсифий белгилари билан бирга уларни ўзига яқин бўлган, кўп жиҳатлари билан ўхшаш бошқа бирликлар билан ҳам солиштирилади. Бунинг натижасида ҳар қандай тил бирлигининг ўзига хос хусусиятлари тўлароқ ёритилади ва мазкур тил бирлигининг бошқа бирликлардан фарқи орқали тил системасида тутган ўрни аниқланади.

Ўзбек тилидаги фраземалар таркибида ҳолат ифодаловчи фраземалар катта ўрин эгаллайди. Маълумки, фразеологик бирлик(ФБ)лар кўчма маънода қўлланилиб, бундай бирликлар асосан инсонга хос бўлган белгиларни ифодалаш учун хизмат қилади. “Ҳолат” семали ФБлар ҳам инсонга хос бўлган баъзи ҳолатларни услубий жиҳатдан бўёқдор қилиб ифодалайди. Бундай ФБларни биз шартли равишда уч фразеологик семантик гуруҳ(ФСГ)га бўлишимиз мумкин:

1. “Руҳий ҳолат” семали ФСГ.
2. “Жисмоний ҳолат” семали ФСГ.
3. “Ақлий ҳолат” семали ФСГ.

Биринчи гуруҳга “хафалик”, “хурсандлик”, “тушкунлик” каби семаларга эга бўлган инсон руҳияти, кайфиятини ифодаловчи ФБларни киритиш мумкин. Бундай микромайдонга мансуб фразеологик ифодаларнинг шаклланишида киши руҳияти, аъзолари билан боғлиқ лексемалар муҳим ўрин тутади. Жумладан, *қаҳр, жаҳл, кўнгил, дил, асаб, авзо, кайф, жон, ғаш, ҳасрат, таъб, бош, бағир* кабилар воситасида руҳият билан боғлиқ иборалар шаклланади.

Дил лексемаси асосида шаклланган фраземалар: *дили ёришди, дили сиёҳ бўлди, дили оғриди, дили хира, дили ғаш, дили чоғ*. “Кўтаринкилик” семаси асосидаги *дили ёришди, дили чоғ* иборалари “тушкунлик” семасига эга бўлган *дили сиёҳ бўлди, дили оғриди, дили хира, дили ғаш* фраземаларига зидланади. Бу ўринда *ёришмоқ* лексемаси таркибидаги “тиниқлик”, “ёруғлик” семалари, *чоғ* лексемасидаги “хурсандлик” семаси; *сиёҳ* лексемасидаги “қоралик”, *ғаш* лексемасидаги “хафалик” семалари ҳам руҳий кайфиятни белгилаш учун асос бўлади.

Кўнгил лексемаси орқали шаклланган *кўнгли ёришди, кўнгли ғаш, кўнгли оғриди* иборалари ҳам юқоридаги бирликлар билан ўзаро синонимик муносабатдаги, айримлари вариантдош бўлган фраземалар саналади. Шунингдек, *кўнглига қил сиғмайди, кўнгли совуди, кўнгли чўкди* сингари тушкунлик билан боғлиқ, *кўнгли кўтарилди, кўнгли ёзилди, кўнгли очилди* каби “кўтаринкилик” билан боғлиқ фраземалар ҳам нутқий таъсирчанликни оширишга хизмат қилади.

Кайф лексемаси асосида шаклланган фраземалар: *кайфи чоғ, кайфи бузуқ, кайфи хуш, кайфи очилди.* Ушбу фраземалар ҳам инсон руҳий ҳолати билан боғлиқ хурсандлик, кўтаринкилик ҳамда хафалик, ғашлик белгиларини намоён қилади, асосий ҳолат *кайф* лексемаси билан

синтагматик муносабатга киришувчи бирликлар воситасида намоён бўлади.

*У Саодатнинг нимадандир **кайфи бузилганлигини** сезиб турарди (С.З.).*

Жон лексемаси асосида шаклланган фраземалар: *жонидан тўйиб кетмоқ, жони бўғзига келмоқ, жонидан тўймоқ, жон кирди, жон куйдирмоқ, жони чиқмоқ* сингари. Ушбу қатордаги *жон* лексемаси билан боғланаётган "ҳаракат" семали лексемалар мустақил ҳолда инсон руҳий ҳолатини ифода этмасада, *жон* сўзи билан бирга асосан коннотатив маънони ифодаларни шакллантирмоқда. Таъкидлаб ўтиш жоизки, фраземалар омонимик характерга ҳам эга бўлиб, бу ўринда муайян вазият билан боғлиқ натижа асосида юзага келган руҳий ҳолатнинг таъсирчан ифодаси ёритиляпти.

Ўзбек тилида ***бош*** сўзи воситасида шаклланган иборалар бошқа шундай бирликлар сингари маънони кучайтириш, сўзловчи фикрини тингловчига бўрттириб кўрсатиш мақсадида қўлланилади. Жумладан, *бош оғриғи, боши кўкка етмоқ, бошини урмоқ, бошига битган, бошида данак чақмоқ...*

Бошнинг маълум даражадаги жисмоний ҳаракати, ҳолати билан боғлиқ фразеологизмлар: *бошини қуйи эгмоқ, боши хам бўлмоқ, бош кўтармоқ* каби. Бундай иборалар бошнинг ҳаракати, ҳолатини тасвирлаш орқали инсонда кечаётган маълум руҳий ҳолатни очиб беради. Масалан, *бошини қуйи эгмоқ* ибораси уят-номусдан бошини кўтара олмаслик ҳолатини билдиради.

Бошини қаёққа урсин, бош оғриғи, бошида ёнғоқ чақмоқ иборалари салбий руҳий ҳолатга ишора қилади. Масалан, *бош оғриғи* фраземасидаги "ташвиш" семаси шахс руҳий ҳолатининг ёмонлашуви учун восита ҳисобланади.

Бағир лексемаси асосида шаклланган *бағри қон, бағри тош, бағрини эзмоқ* иборалари ҳам инсон руҳий ҳолати билан боғлиқ "хафалик", "меҳрсизлик" семаларини ўзида намоён қилади.

Ўзбек тилидаги "баландлик" семасига эга бўлган *кўк, осмон, кўтарилмоқ, учмоқ* лексемалари асосида шаклланган фраземалар хушнудлик, хурсандлик белгилари орқали умумлашган гуруҳни ташкил қилади ва инсон руҳиятига хос ижобий кайфиятни ифода этади. Ўз навбатида *жаҳл, қаҳр, алам, азоб, ҳасрат, эгмоқ, оғримоқ, бузилмоқ* лексемалари ёрдамида юзага келган *жаҳли чиқмоқ, қаҳри келмоқ, азоб чекмоқ, кўнгли оғримоқ, ҳасратидан чанг чиқмоқ* фраземалари инсон руҳий ҳолати билан боғлиқ салбий жараёнларни намоён этишга хизмат қилади.

*Уйга борса, хотинининг **ҳасратидан чанг чиқарди** (Т.П.).*

Ушбу фраземада киши руҳиятидаги "норозилик" семаси яққол кўзга ташланиши билан бирга, "руҳий ҳолат","тушкунлик"семалари ҳам сақланган.

Иккинчи гуруҳга "ёш" семали, "туғилиш" ва "ўлим" семали, "саломатлик" семали, "ташқи кўриниш" семали ва шу каби бир қатор ФБлар киритилади.

Ўзбек тилшунослигида ёш ва жинс белгисини англатиш айрим тилшунослар эътиборини тортган [2,3,4]. Шунингдек, фразеологизмлар таҳлилида ҳам уларнинг шаклланиш, маъно кўчиш масалаларига қаратилган муаммолар кўрсатиб ўтилган. Бироқ фразеологизмларнинг семик таҳлилига махсус равишда эътибор кузатилмайди. Хусусан, "жисмоний ҳолат" семали ФБлар борасида етарли кузатишлар мавжуд эмас. Профессор Ш.Раҳматуллаев "Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати"да айрим ёш англатувчи фразеологик ибораларни келтириб ўтган бўлишига қарамай, бундай белгига эга бўлган иборалар анча кам учрайди.

Ёш белгиси билан алоҳида фарқланувчи фразеологизмлар қаторига *она сути оғзидан кетмаган, балоғатга етган, суяги қотмаган, бир оёғи ерда,бир оёғи гўрда, эсини таниган, шарти кетиб, парти қолган, ўн гулидан бир гули очилмаган* каби иборалар мансуб. Бундай фразеологизмлар учун хос бўлган умумий маъно белгиси "ёш" семаси саналади. Ўз таркибида бундай фразеологизмларни "ёшлик" ҳамда "кексалик" белгиси билан зидланган фразеологизмларга ажратиш мумкин. Ўз навбатида, уларнинг ҳар қайсиси маълум ички белгилари билан фарқланади. Дастлабки бўлинишда улар қуйидагича гуруҳланади:

- "гўдаклик" семали фразеологизмлар;
- "навқиронлик" семали фразеологизмлар;
- "кексалик" семали фразеологизмлар.

Биринчи кичик гуруҳга *суяги қотмаган, она сути оғзидан кетмаган* фразеологик бирликларини киритиш мумкин. Уларда мавжуд ёш белгиси билан бирга, "гўдаклик" семаси кузатилади.

Буни қаранг-а, менга ҳали она сути оғзидан кетмаган бир бола ақл ўргатса-я! (С.А.)

Иккинчи гуруҳга эса *балоғатга етган, бўйи етган, ўн гулидан бир гули очилмаган, эр ет-*

ган, оқ-қорани таниган, эсини таниган иборалари киради. Буларнинг айримларида жисмоний қувват белгиси (*балоғатга етган, бўйи етган, эр етган, ўн гулидан бир гули очилмаган)*, айримларида ақл белгиси (*эсини таниган, оқ-қорани таниган)* устунлик қилади.

Асалхоннинг бўлса ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган эди. (Ҳ.Ғ.)

Берилган гапда иштирок этган ибора орқали персонажга хос бўлган ёшлик, етуклик, гўзаллик белгиси ҳам намоён бўлмоқда.

"Кексалик" семали фразеологизмлар таркибида *бир оёғи ерда, бир оёғи гўрда, шарти кетиб парти қолган* иборалари таҳлил қилинади. Чунки бу бирликларда "кексалик" ҳамда "қувватсизлик" семалари гавдаланмоқда. Ш. Раҳматуллаев *бир оёғи ерда (тўрда), бир оёғи гўрда* иборасини шундай изоҳлайди:

Бир оёғи тўрда, бир оёғи гўрда – умри тугай деб қолган.

Демак, ушбу изоҳ орқали фразеологик бирликнинг фақатгина кексалик белгиси билан эмас, балки беморлик белгиси билан ҳам ифодаланишини назардан соқит қилмаслик керак.

Менинг бир оёғим ерда бўлса, бир оёғим гўрда бўлса, тўсатдан ўлиб қолсам... (Ў.А.)

Ўзбек тилида баъзан кишиларга хос бўлган ёш белгисини акс эттириш учун *кўзи(м) тириклигида* ибораси ҳам тез-тез ишлатилади. Бу ибора кўпинча ёши кексайган шахслар томонидан ишлатилишини назарда тутсак, унда ҳам "ёш", "кексалик" семасининг мавжуд эканлиги аниқ кўриниб қолади.

Ушбу фразеологизмларнинг ёш белгисини аниқроқ ифодалаш учун улар ўртасидаги даражаланиш муносабатини кўрсатиб ўтиш мумкин:

суяги қотмаган – балоғатга етган – ўн гулидан бир гули очилмаган – шарти кетиб парти қолган - бир оёғи ерда, бир оёғи гўрда **(**Даражаланиш муносабати тўғрисида проф. О.Бозоровнинг махсус тадқиқоти мавжуд [5]**)**

Жисмоний ҳолат ФСГда "туғилиш" ва "ўлим" семали ФБлар ҳам кўплаб учрайди: *дунёга келмоқ, дунёдан кетмоқ, дунёдан ўтмоқ, жони узилди, жон бермоқ, жони чиқди, ер тишламоқ, ёстиғи қуриди.* Бу қатордаги *дунёга келмоқ* фразео логизми "туғилиш" семали ФБ ҳисобланади. Унинг варианти бўлган *дунёга келтирмоқ* бирлиги "туғмоқ" семасига эга. Шу семасига кўра *кўзи ёримоқ* фразеологизми билан бир парадигмада ётади, лекин *кўзи ёримоқ* бирлигида семантик субъект туққан шахс, *дунга келтирмоқ* бирлигида семантик субъект туғилган шахс ҳисобланади. *Дунёдан кетмоқ, дунёдан ўтмоқ* ФБлари "ўлим" семасига эга бўлиб, *дунёга келмоқ* бирлиги билан антонимлик ҳосил қилади. *Жони узилди, жон бермоқ, жони чиқди* ФБларининг семантик структурасида ҳам "ўлим" семаси мавжуд. Улар кўп ҳолларда "вақт" семали бирликлар билан синтагматик муносабатга киришади ва ўлим пайтига ишора қилади.

Ётган ерида тўлғана-тўлғана, қоронғи тушганида ***жони узилди.*** (Мирмуҳсин)

Ер тишламоқ, ёстиғи қуриди иборалари ҳам "ўлим" семали бирликлар ҳисобланади. Улар "сабаб" валентлигига эга бўлиб, шундай мазмундаги бирликлар билан боғланади. "Ўлим" семали фразеологизмлар қаторига *жонини олмоқ, бошига етмоқ, бошини емоқ* каби бирликларни ҳам киритиш мумкин.

Жони бор, жон кирди иборалари ҳам жисмоний ҳолат билдирувчи ФСГ таркибига кириб, "ўлим" ва "ҳаёт" семаларига эга.

Жисмоний ҳолат билдирувчи ФСГда "саломатлик" семасига эга бўлган бирликлар ҳам ўрганилади. *Ёстиқдан бош кўтармоқ, бош кўтармоқ, боши ёстиққа етганда* ФБлари айнан шу семага эга бўлган бирликлар қаторига киради. "Саломатлик" семаси юқоридаги ҳар учала ФБда ҳам мавжуд бўлса-да, *боши ёстиққа етганда* фразеологизми "ёмонлашиш" семаси билан юқоридаги икки ФБдан фарқланади.

Ушбу ФСГга кирувчи "ташқи кўриниш" семаси билан умумлашувчи ФБларни шартли равишда иккига бўлишимиз мумкин: "чиройли" ҳамда "хунук" семали ФБлар. "Чиройли" семасига эга бўлган *истараси иссиқ* ёки *юлдузи иссиқ* бирликлари ҳар икки жинс вакиллари учун бирдек қўлланган ҳолда, *бир қошиқ сув билан ютиб юборгудай* бирлиги фақат аёл жинсидаги инсонлар учун қўлланилади. *Афти совуқ* ёки *сўхтаси совуқ* ФБларни "хунук" семали бирликлар қаторида ўрганиш мумкин.

Бундан ташқари жисмоний ҳолат билдирувчи ФСГ таркибига яна бир қатор: *дабдаласи чиқди, абжағи чиқди* (жисмоний ҳолатнинг "ёмон"лиги), *бардош бермоқ, зуваласи пишиқ* (жисмоний ҳолатнинг "яхши"лиги), *донг қотмоқ* ("уйқу"), *бел олишмоқ* ("синов") сингари ФБларни кўриб ўтиш мумкин.

"Ақлий ҳолат" ФСГни шартли равишда яна икки гуруҳга ажратиш мумкин: "ақлий фаолият" ва "ақлий ҳолат" семали ФБлар. Биринчи микрогуруҳга бевосита инсоннинг ақлий фаолияти

билан боғлиқ фраземаларни киритиш мумкин: *бошини оғритмоқ, боши билан шўнғиб кетмоқ, аҳамият бермоқ, эътибор бермоқ, баҳо бермоқ, ёдидан кўтармоқ, миясига келмоқ, эсига келмоқ, хаёлига келмоқ, хаёлидан ўтмоқ, кўнглидан ўтмоқ, бошидан кечмоқ, хаёл сурмоқ, ўй сурмоқ, хаёлга ботмоқ, хаёлга чўммоқ, ўйга ботмоқ .*

Бу ФСГга кирувчи *бошини оғритмоқ, боши билан шўнғиб кетмоқ, хаёлга ботмоқ, хаёлга чўммоқ, ўйга ботмоқ* ФБларини “ўйламоқ”, “астойдил киришмоқ” семалари бирлаштиради. Бу ФБлар инсоннинг ақлий фаолиятга қаттиқ киришганлигини билдиради.

Аҳамият бермоқ, эътибор бермоқ, баҳо бермоқ ФБлари “эътибор” семаси ёрдамида умумийлик ҳосил қилади. Ақлий фаолият сифатида *аҳамият бермоқ, эътибор бермоқ* фраземалари биринчи босқич – “диққат”, “эътибор” босқичини билдирса, *баҳо бермоқ* фраземаси бевосита кейинги босқич – “фикр”, яъни “эътибор”нинг натижасини англатади.

Ақлий фаолият ФСГига кирувчи *миясига келмоқ, эсига келмоқ, хаёлига келмоқ* фраземалари “ўйламоқ” семаси билан бир қаторда “бирдан”, “тез” семаларига ҳам эга бўлиб, бу семалар парадигмага мансуб бўлган бошқа бирликлардан фарқлаш учун хизмат қилади ва юқоридаги ФБларни “вақт” архисемали ФСГга киритиш учун асос бўлади.

Ҳаракатнинг кучайиши билан боғлиқ маъно, яъни фикрнинг ниҳоятда тез равишда мияга келиши учун *чақмоқдай чақнади* ифодасидан ҳам фойдаланилади:

«Дадам! Дадамлар қайтибдур !» деган фикр миясида чақмоқдай чақнади-ю, уй тўла эркак экани эсидан чиқиб, меҳмонхонага қараб югурди (О. Ёқубов).

Хаёлидан ўтмоқ фраземаси «ўйламоқ», «фаҳмламоқ» семалари билан парадигманинг ташкил этувчи аъзоси ҳисобланади. *Хаёлидан ўтмоқ* фраземасининг “вақтинча”, “маълум вақт оралиғида” семалари бу фраземанинг хусусий белгиси саналади. *Хаёлидан ўтмоқ* фраземаси фикрнинг маълум бир муддат, давомли юзага келиши, мияни маълум бир вақт оралиғида банд қилишлик маъноларини англатади. Бу жиҳатдан мазкур ФБ *кўнглидан ўтмоқ, бошидан кечмоқ* бирликлари билан бир синонимик қатор ташкил этади.

Иккинчи микрогуруҳ таркибида “ақлли”, “нодон”, “айёр” сингари семаларга эга бўлган инсоннинг ақлий ҳолатига ишора қилувчи ФБлар ўрганилади. *Ақли етади, ер тагида илон қимирласа билмоқ, илоннинг ёғини ялаган, алифни калтак деёлмаслик, бўрк ол деса, бош олмоқ, эсини емоқ, ақлдан озмоқ* каби ФБлар киритилади.

Ақли етади, илоннинг ёғини ялаган, ер тагида илон қимирласа билмоқ ФБлари “ақлли” семасига эга бўлган бирликлар ҳисобланиб, *илоннинг ёғини ялаган* ибораси асосан салбий маънода қўлланилиб, “айёр”, “маккор” семаларини ўзида ифода этади. *Ер тагида илон қимирласа, билмоқ* ФБи бўлса, “сезгир” семасига ҳам эга.

Алифни калтак деёлмаслик, бўрк ол деса, бош олмоқ, эсини емоқ, ақлдан озмоқ ФБлари “нодон” семаси орқали бирлашади.

Ўзбек тилидаги мавжуд фразеологик бирликларнинг семантик нуқтаи назардан фарқланувчи гуруҳлар ҳосил қилишида улар таркибидаги лексемаларнинг етакчи семалари муҳим аҳамиятга эга. Шунга кўра, ибораларни семик таҳлил қилиш ҳам ўзига хос самара беради.

АДАБИЁТЛАР:

1.Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати.- Т.: Ўқитувчи, 1978

2. Йўлдошев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тилида фразеологик бирликларнинг функционал-услубий хусусиятлари. ДДА.- Т., 1993

3. Маматов А. Ўзбек тили фразеологизмларининг шаклланиши масалалари. ДДА.- Т.,2000 ва бошқ.

4.Нарзиева М.Қон-қариндошлик номларининг компонент таҳлили// Ўзбек тили ва адабиёти. 1986, 5-сон.

5. Бозоров О. Ўзбек тилида даражаланиш. Т.: Фан, 1995.

Фарғона давлат университети,
2010 йил 17 сентябрда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. А.Нурмонов)